



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ


№ 5 (13.338)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Ватанимиз тараққиёти, осуда ҳаётимиз ҳақида мушоҳада юритганда унинг мустаҳкам ва ишончли кафолати бўлиб хизмат қилаётган Куролли Кучларимизни албатта тилга оламиз. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тузилган замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғ ҳамда техникага эга миллий армиямиз мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир.**

## Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!



## ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ЭНГ ШАРАФЛИ ИШ

Мудофаа соҳасида қўлга кири-тилаётган барча ютуқлар ҳарбий кадрлар тайёрлаш ишлари тубдан тақриблиштирилган, армия сафларида хизмат қилаётган ва унга қақирлувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир.

Бу борадаги тизимли ишларда Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрдаги Қарори асосида тузилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамоатчилик кенгаши сафида Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар, маданият ҳамда санъат намояндлари, олимлар фаолият юритмоқда.

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизни демократлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш борасида катта ютуқларга эришилди, – дейди ЎзА муҳбирига Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Иқбол Мирзаалиев. Бугун Ватанимиз тинчлиги ва тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этмоқда. Кенгаши- миз томонидан амалга оширила-

ётган ишлар самараси ўлароқ вазирлик фаолиятининг очиқ-ошкоралиги таъминланмоқда, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак ахлоқ ва маданият янада бойимокда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Ўзбекино” миллий агентлиги каби ижодий ташкилотлар, жамғармалар, ҳокимликлар вакиллари, санъат ва фан намояндлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жамоатчилик кенгаши миллий армияни халқимиз билан боғловчи кўприқдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилга Халқ билан муло-

қот ва инсон манфаатлари йили, деб ном берилиши ишларимизга янада кучли масъулият билан қараб, уларни янги босқичга кўтаришимизни талаб қилмоқда.

Кенгаш аъзолари жамоатчилик уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантириш, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатида оид энг долзарб масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларни ҳарбий хизматга қақирлувдан бошлаб, резервга бўшатилган фуқароларнинг ижтимоий ва профессионал мослашувига бўлган масалаларни ҳал этиш, шунга доир тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда жонбозлик кўрсатаётир.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари, мудофаа ишлари бошқармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида “Аскар оналарини шарафлаймиз” деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

• Жиззах давлат педагогика институти қошидаги “Сайилжойи” академик лицейида китоб мутолаасига бағишланган очик мулоқот ўтказилди. Тадбирда “Ёшлар ва таълим”, “Ёшлар ва ижод” мавзуларида видеолар ва намоиш этилди, китоблар кўргазмаси ташкил қилинди.

• Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳрида иккита сунъий қопламали мини-футбол майдони фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 420 миллион сўм бўлган 22х42 ва 25х50 ҳажмли мини-футбол майдонлари қисқа фурсатда барпо этилди. “Отабек-БС” масъулияти чекланган жамиятига қарашли мазкур спорт мажмуасида кийиниш ва ювенил хоналари ҳам мавжуд. Объектнинг фойдаланишга топширилиши билан бир нечта янги иш ўрни яратилди.

• Наманган вилояти Ички ишлар бошқармасининг сайёр ва виртуал қабулхонаси иш бошлади. Бундай қабул ва мулоқотларга вилоятнинг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу аҳолининг давлат бошқаруви органига, янабарин эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаб, амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

• Андижон давлат университетида “Инсон манфаати – олий қадрият” мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда қонунлар ва Президентимиз маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида партия аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш, фуқаролар билан мулоқотнинг самарали усулларини жорий этиш бўйича фикр алмашилди.

• Хоразмда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбир “Аскар оналарини шарафлаймиз” деб номланди.

## ЖАҲОНДА

• Хитойнинг Хэнань музофотидаги кўмир қонида рўй берган портлаш натижасида 12 киши ҳалок бўлди. Яъни портлаш беш кишининг ҳаётига зомин бўлган бўлса, яна етти нафар қончи тупроқ уюми остида қолиб кетди. Фожа рўй берган пайтда хом ашё қазиб олинмаётган тунелда 50 киши бўлган. Айни пайтда воқеа жойида кутқарувчилар иш олиб бормоқда. Ҳозирча фожа сабаби маълум эмас.

• “Samsung” корпорацияси Galaxy Note 7 смартфонлари портлаб кетиши сабабини қидириш мақсадида ўтказган тадқиқотини якунлади. Компания мутахассисларининг фикрича, гаджетнинг портлашига унинг ичидаги деталларнинг жуда зич жойлаштирилгани сабаб бўлган. Маълумотларга кўра, корпорация тез орада ўзининг Galaxy S8 янги модели билан бозорга қайтмоқчи.

• Франциялик Робер Маршан Парижда Сен-Кентен-ан-Ивлин велодромида кекса кишилар ўртасида ўтказилган мусобақа чоғида 22 километр 528 метр масофани босиб ўтиб, ўз ёш тоифаси бўйича янги рекорд ўрнатди. Гап шундаки, рекордчининг ёши 105 да.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар мактабгача таълим тизимида ҳам ўзининг самараларини намойён этмоқда.

Мамлакатимизда мавжуд беш мингдан зиёд мактабгача таълим муассасасида 670 миң ўғил-қиз тарбияланмоқда. Тарбия масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тубдан таъмирлаш, зарур техник жиҳозлар, ўқув-услубий воситалар билан таъминлаш масаласи доимий эътиборда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада тақриблиштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу борадаги изчил ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Мазкур қарор болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, уларнинг интеллектуал, ахлоқий-эстетик ва жисмонан тўқис ривожланиши учун илгор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратиш, тарбиячи-педагогларни тайёрлаш ва малакасини оширишга доир ўқув режа ва дастурларни замон талабларига мувофиқ тақриблиштириш, муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ жойларда янги мактабгача таълим муассасаларини бунёд этиш, тарбиячи ва тарбияланувчиларга қулай ҳамда замонавий шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда таълим-тарбия тизимига муқобил дастурларни жорий этиш назарда тутилган. Илгор хорижий мамлакатлар тажрибасида бу амалиёт жорий этилган бўлиб, ота-оналар, тарбиячилар улардан бирини танлаш ҳуқуқига эга. Махсус ва оммавий мактабгача таълим муассасалари учун мўлжалланган мазкур дастурларни 2017 йилда ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ қилиш белгиланган. Янгиликлар дастурлар болаларни мактабга янада сифатли тайёрлашга, уларнинг интеллектуал қобилияти ва мантиқий фикрлаш салоҳиятини юксалтиришга, ёзиш ва ўқишни янада жадал ўрганишига хизмат қилади.

Бу натижага эришиш учун 2017-2021 йилларда 2200 мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, қишлоқ жойларда янги мактабгача таълим муассасалари қуриш, уларни замонавий талабга жавоб берадиган инвентар, жиҳоз, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедиа воситалар билан таъминлаш каби бир қатор вазифалар белгиланган.

Бугунги глобаллашув жараёни фарзандларимизнинг маънавий олами-ни асраб-авайлашни, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, онгу шу-урини болаликданок турли ёт гоғлардан ҳимоялашни тақозо этмоқда. Бу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ҳозирги кунда мактабгача таълим мас-канларининг ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳларидаги тарбиявий жараён мазмуни машғулотлар асосида ташкил этилмоқда. Бу ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, миллий аъналаримизга ҳурмат туйғусини кучайтира-ди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти (бизнес омбудсман) – тадбиркор аёллар фаолияти ривожини йўлида” мавзуда видеосеминар ўтказди.

## БИЗНЕС ОМБУДСМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМАКЧИСИ

Парламент куйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси Г.Маҳмудова ва бошқалар мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ҳуқуқий асосларини тақриблиштириш мақсадида Конституция- мизда, Фуқаролик кодекси ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ка-фолатлари тўғрисида”ги қонун асоси-да 1200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганини алоҳида таъ-кидлади.

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфай-ли улар жамиятда муносиб ўрин эгал-ламоқда. Ўзбекистон “Тадбиркор аёл” ассоциацияси ўз сафида 14 миңдан зиёд ишбилармон аёлни бирлаштириб, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқар-ишда кўмаклашмоқда. 2016 йилда 24 миңдан ортиқ хотин-қиз бизнес бўйи-ча ўқитилди, 16 миңдан зиёд вақтин-ча ишсиз аёл меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга йўнал-тирилди. Хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган корхоналарга ажратилган 1,6 триллион сўмлик сармоя эвазига 130 миңдан ортиқ янги иш ўрни яра-тилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 ок-тябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада янги босқични бошлаб берди.

Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркор-лик субъектларининг ҳуқуқлари ва қону-ний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйи-ча вакил институтини ташкил этиш ма-саласи ўзига хос янгиликдир. Бундай вакиллик институти фаолиятининг йўлга қўйилиши тадбиркорлик субъектлари-ни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш са-марадорлигини ошириш, амалдаги қонунчилик меъёрларига тўлиқ риоя этилиши юзасидан ижро интизомини тақриблиштиришга мустаҳкам кафолат бўлиб хизмат қилади.

Видеосеминарда янги қонун лойиҳа-лари, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонун, Жиноят-про-цессуал кодекс ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилиши кўзда тутилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида сўз юритилди.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎзА муҳбири



“Ўзбекистон – умумий уйимиз”

ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида “Ўзбекистон – умумий уйимиз” дўстлик ва маданият фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.



Кўтаринки кайфиятда ўтган дўстлик ва маданият фестивали Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Мазнавият тарих-бот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бoshқармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ва “Ўзбекинаво” эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди. Мазкур тадбирда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари вакиллари ва ёшлар катнашди.

Миллат ва элт вакиллари ягона ва аҳил оила фарзандларидек яшаб, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, жамият ҳаётининг барча қабатларини жадал раванқ топтириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлангани, миллий-маданий марказлар ташкил этилиб, фаолият юритиши турли миллатларнинг анъана, урф-одатларида ҳурмат билан қараш ва сақлаб қолишнинг ёрқин белгисидир. — “Ўзбекистон – умумий уйимиз” дўстлик ва маданият фестивали ҳамда унинг доирасида ўтган тадбирлар мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элт вакиллари билан бир бор намоён қилишга, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тутовлигини мустаҳкамлаш борасидаги миллий-маданий марказлар фаолиятининг тақомиллашуви учун имконият яратишга ҳизмат қилади, — дейди Тошкент шаҳар қозоқ миллий маданият маркази раиси Т.Холбоев. — Мустақил Ўзбекистонда турли миллат вакиллари учун ҳаётнинг барча соҳаларида яратилган имкониятлар амалга оширилаётган ислохотлар самарасини ўзда яққол намоён этимоқда. Улар миллий маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини асраш ва ривожлантириш учун барча шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортик

Зиёда РАСУЛОВА

“БҮЮК ОСИЙ ШАЙХ САНЪОН ВОРИСЛАРИ” ТЎПЛАМИ ЛОНДОНДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Буюк осий Шайх Санъон ворислари” (Heirs to the Great Sinner Sheikh San’on) китоби Буюк Британияда инглиз тилида нашр этилди ва Евроосиё ижодий гильдияси муассислигидаги Open Eurasian Literature Festival & Book Forum – V Халқаро адабиёт фестивали доирасида тақдими ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, бу замонавий ўзбек ёзувчилари китобининг Лондонда илк бор чоп этилишидир.

Илгари хабар берганимиздек, 2014 йили Эркин Аъзам қаламига мансуб “Эртақ билан хайрлашув” тўплами Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси шафёлигида инглиз ва француз тилларида чоп этилиб, Вашингтон ҳамда Парижда кўш тақдимот бўлиб ўтган эди. “Hertfordshire Press” нашриёт уйи ана шу тўпламни янги таржималар билан бойитиб, “Буюк осий Шайх Санъон ворислари” номи билан чоп этди.

— Адабий фаолиятим мобайнида постсовет мамлакатлари адабиётига мансуб китобларга муҳаррирлик қилганман. Шу ҳисобда Эркин Аъзамнинг китоби эллингичи ишим, — дейди тўпламга сўзбоши ёзган Кэррол Ермакова. — Гарчи китобда шу номдаги асар бўлмаса-да, унинг бутун мундарижаси ўша машҳур Шайх Санъоннинг эътиқодий фалсафасига уйғунлигини илғаш мумкин. Адиб асарларини мутолаа қилиб, бугунги Марказий Осие-нинг юрак уришини эшитгандек бўламан.

Тўпламга адибнинг беш асари — “Шовқин” романи, “Гули-гули”, “Пакананинг ошиқ кўнгли” қиссалари, “Ёзувчининг боғи” ҳамда “Мусофирнинг қизини ит қопди” ҳикоялари киритилган. Ўзбек наслрининг сара намуналари саналган мазкур асарларда тарихнинг бурилиш даврида яшаган инсонлар қисмати, замондошлар руҳиятида кечаётган ўзгаришлар жамоли зиддиятлари, мусбату манфий жиҳатлари билан қаламга олинган. Миллий романчиликда жиддий воқеа ўлароқ баҳоланган “Шовқин” романи ўтган асрнинг 90-йилларида кечган қалтир воқеалар ҳақида. Таъкидлаш жоизки, бу — ўзбек адабиётида ўша давр ижтимоий-сиёсий эври-лишлари йирик планда тадқиқ этилган илк асардир. Романда ўзбек эиблиларининг ўша мураккаб даврдаги кечмиши ёрқин тасвирланган.

Тўпламга киритилган бошқа асарлар ҳам раамз, истиора ва таъмаъноларга бойлиги билан китобхонга ўнча-мунча романга тати-гулик таассурот беради.

Эркин Аъзам — инсонпарварлик ва хурлик гоялари тараннум этилган асарлари билан ўзбек адабиётини янги поғонага кўтариб, китобхонлар муҳаббатини қозонган адиб. Унинг ижоди Фарб ўқувчиларига ҳам манзур бўлса ажаб эмас.

“Жаҳон” АА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Respublika mlk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali” бошланғич нарх босқичида босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилди.

- Аукцион савдоларига қўйиладиган давлат улушлари такроран қўйилади.
1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Хонобод 1-тор кўчаси, 50-уй манзилида жойлашган қўшма корхона шаклидаги “STROYSERVICE” масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 21,04 фоиз давлат улуши.
Бошланғич нархи — 18 350 000 000 сўм;
Балансда сакловчи: қўшма корхона шаклидаги “STROYSERVICE” МЧЖ.
Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.
2. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, Марказ-4, 7/8-уй манзилида жойлашган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Irak Yo’li-Turizm Invest” қўшма корхонаси устав фондидаги 39,0 фоиз давлат улуши.
Бошланғич нархи — 35 971 041 000 сўм;
Балансда сакловчи: масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Irak Yo’li-Turizm Invest” қўшма корхонаси.
Фаолияти ихтисоси: хизмат кўрсатиш.
3. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 30-уй манзилида жойлашган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “GROTEKS” қўшма корхонасининг устав фондидаги 30,21 фоиз давлат улуши.
Бошланғич нархи — 1 886 945 048 сўм;
Балансда сакловчи: масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “GROTEKS” қўшма корхонаси.
Фаолияти ихтисоси: полиграфик хизмат кўрсатиш.
4. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, Фурқат берк кўча, 6 Б-уй манзилида жойлашган “BLKTB-Mevasabzavot” масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25,32 фоиз давлат улуши.
Бошланғич нархи — 144 779 928 сўм;
Балансда сакловчи: “BLKTB-Mevasabzavot” МЧЖ.
Фаолияти ихтисоси: хизмат кўрсатиш.
5. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жалолобод кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган “Уста Тошпўлат номидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш” масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25 фоиз давлат улуши.
Бошланғич нархи — 311 263 840 сўм;
Балансда сакловчи: “Уста Тошпўлат номидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш” МЧЖ.
Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.
Савдо ташкилотчиси: “Respublika mlk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. веб-сайт: www.mtm.uz, электрон почта манзили: user01@inbox.uz, Гувоҳнома: 001805.

Аукцион савдоси 2017 йил 9 февраль кунни соат 15:00 да ўтказилди.

Аукцион савдоси шу кунни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2017 йил 24 февраль, 13, 28 март, 12, 27 апрель, 12, 29 май, 13, 28 июнь, 13 июль кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баёнамаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-соти шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси (“Respublika mlk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”)нинг кўйидаги банк реквизитларига зақалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сябон филиалидаги ҳ/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850, ОКОНХ: 83300.

Аукционда катнашишга бюртномана қабул қилиш билдиришомана эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришоманада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунни савдо бошлангичидан үч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда катнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда катнашишга бюртномани икки нусхада тақдим этади:
— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил катнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
— аукцион тўғрисидаги билдиришоманада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Маълумотлар учун телефон: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28. Электрон почта: user01@inbox.uz, Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.mtm.uz, www.gktorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқилган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат кўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилин!

“Kim oshdi savdo servis”

МЧЖ Тошкент шаҳар филиали

нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 24 январь кунни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 07.04.2015 йилдаги № 12-1506/1151-сонли ижро варақасига асосан Миробод тумани СИБ томонидан хатланган кўйидаги мулклар такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

- 1. Трансформатор тока ТФМ3-220/1200/5, 5 дона. Бошланғич баҳоси 153 496 823 сўм. Жами суммаси 767 484 115 сўм.
2. Дизел генератор 320 кВА 1 дона. Бошланғич баҳоси 63 000 000 сўм.
3. Колесный сварочный аппарат САК 1 дона. Бошланғич баҳоси 6080000 сўм.
ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 25.06.2014 йилги ҳўкми асосида берилган, 21.07.2014 йил №5909/15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан хатланган кўйидаги мулклар такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.
1. 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01Н334ЕА, сариқ рангли, техник носоз “Dogan” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 2 765 586 сўм, 33 тийин.
ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 22.06.2015 йилги ҳўкми асосида берилган, 08.07.2015 йил №27012/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан хатланган кўйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.
2. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01Z352RA, серо-белый рангли, техник носоз “ГАЗ-310290” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 8 550 949 сўм, 24 тийин.
Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: “Автомото-Хаваскор Ганга сервис” ШЖ автоуловларни сақлаш майдони.
ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 23.12.2014 йилдаги ҳўкми асосида берилган, 15.04.2015 йил №14955/15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан хатланган кўйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.
3. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01L749КА, техник носоз, молочно-бежевый рангли, “Ford Transit” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 13 432 567 сўм, 13 тийин.
4. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10V031JA, техник носоз, оқ рангли, “ГАЗ-322132” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси: 8 185 593 сўм, 04 тийин.
Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: “Авто Плаза Сервис” МЧЖ автоуловларни сақлаш майдони.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2017 йил 23 январь кунни соат 11.00да тўхтатилади.
Талабгорлар кўйидаги ҳўжжатларни топширадилар:
— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳўжжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.
— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил катнашган тақдирда, қонун ҳўжжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.
Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Савдода катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz
Телефон: +99893 465-55-89

Гувоҳнома 5477

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

МАШГУЛОТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда маданият, санъат ва миллий рақс санъатини раванқ топтириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ёшларимизнинг салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг турли халқаро танловларда юқори ўринларни эгаллаб, миллий рақс санъатимизнинг бетақор жозибасини дунёга танитишида муҳим омил бўлаётир.

Миллий рақс ва хореография соҳасидаги таълим принципларига асосланган ҳолда узлуксиз таълимни тўлиқ қамраб олган Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби 4 босқич — ихтисослаштирилган мактаб-интернат, хореография коллежи, олий таълимнинг бакалаврият ҳамда магистратура босқичлари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи ягона таълим муассасасидир.

Ўзбек миллий рақс ҳамда хореография соҳасини ривожлантиришда ушбу таълим муассасасининг ўрни беқеъ.

Мазкур таълим муассасаси Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 1997 йил 8 январдаги “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган. Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва хореография коллежида ўқувчилар миллий рақс ва классик (мумтоз) рақс йўналишлари бўйича таълим олиб, “Балет артисти” ва “Миллий рақс ансамбли артисти” касбий малакаларига эга бўлмоқда. Олий мактабнинг юқори босқичида “Хореография санъати” ва “Санъатшунослик” таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Олий мактабда профессор-ўқитувчилар жамоаси ҳамда зарур моддий техник база шакллантирилган бўлиб, ўқувчи ва талабаларга давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ яратилган таълим дастурлари, ўқув режаларига биноан машғулотлар ўтилади. Ўқув машғулотлари маъруза, амалий ва яққа дарс шаклларида олиб борилади. Бу ерда ўқувчи ҳамда талабалар дарсдан ташқари ҳам ўз устида мустақил равишда ишлашлари мумкин. Уларнинг мустақил таълим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Замонавий кўринишдаги ўқув аудиториалари, балет заллари, ахборот-ресурс маркази, компьютер хонаси ҳамда кинозал дарс машғулотларининг ҳамда ўқувчи, талабаларнинг бўш вақти тўлақонли, мазмунли ўтишини таъминлайди. Талабалар дарсларда аудио-видео, компьютер, мультимедиа воситалари ёрдамида билимини мустаҳкамлаб боради.

Машғулотлар самарасида талабалар халқаро ва республика олимпиадалари, нуфузли танловларда муносиб қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келаётир. Хусусан, Тигран Абдуллаев ўтган йили Сочи шаҳрида ўтказилган халқ рақси халқаро танловида бош совринни қўлга киритган бўлса, Сузуна Усенова Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочиларининг кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

— Ўзбек рақс санъатига меҳрим ўзгача, — дейди С.Усенова. — Унинг тарихий анъаналарини тиклаш, авайлаб асраш ҳамда бойитиш, шарқона фазилат ва Шарқ маънавиятига мос рақсларни тарғиб этишни вазифамиз, деб биламиз.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсати ҳаётга изчил татбиқ этилаётганининг амалдаги ифодасидир.

Моҳигул КОСИМОВА, ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Акциядорлик Тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар Яққасарой филиали биносини қурилиш монтаж ишлари лойиҳа смета ҳўжжатларини тайёрлаш учун ички танловга лойиҳа ташкилотларини таклиф этамиз.

Мурожаат учун манзил:
Акциядорлик Тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиали
Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 9А-уй.
Тел: 202-50-50.


Хизматлар лицензияланган

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 10 январь кунни ҳаво ўзгариш турари, ёгангарчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида — 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 10 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Спорт янгиликлари



Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳри шахмат бўйича "IIFL Wealth 2nd Mumbai International Chess Tournament" турнирига мезбонлик қилди.

ШАХМАТЧИМИЗ ҲИНДИСТОНДА СОВРИНДОР БЎЛДИ

Дунёнинг турли минтақаларидан келган 218 нафар спортчи иштирок этган мазкур йирик турнирда ҳамюртимиз Сарвиноз Курбонбоева 9 имкониятдан 6 очко жамғарган ҳолда аёллар ўртасида иккинчи ўринни банд этди.

ҲАМЮРТИМИЗНИНГ ТЕЗКОР ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомина Таиландда ўтказилаётган "Bangkok Challenger - 2017" халқаро турнирининг яққалик баҳсларидаги иштирокини ишончли ғалаба билан бошлади.

Нуфузли мусобақада иккинчи рақамда сараланган ҳамюртимиз дастлабки босқичда мезбонлар вакили Гонгсун Гонг-кар билан рақобатлашди. Урашув Дениснинг тўлиқ устунлигида ўтди ва ҳисоб ҳам шунга яраша бўлди — 6:0, 6:1.

БОКСЧИ ҚИЗЛАРИМИЗДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Қозғоғистонда бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзолари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Бразилиядаги олимпия ўйинлари иштирокчиси Ёдгорой Мирзаева ва яна бир истеъдодли спортчимиз Азиза Мамирова финалгача чиққан боксчиларимиздан Турсуной Раҳимова, Гулноза Раҳматова, Нафиса Аскароева ҳамда Ғафур Мирзаева фахрли ўринни кўлга киритиб, бронза медаллари билан тақдирланишди.

"Олмалиқ" жамоасининг 4 январдан янги 2017 йилги мавсум тайёргарлиги доирасидаги иккинчи йиғини бошланди.

ЖАМОА ТАРКИБИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Олмалиқликларнинг Тошкентдаги йиғинига "Бухоро" клубининг икки нафар футболчиси Шавкат Муллажонов ҳамда Камолитдин Мурзоев ҳам келиб қўшилди. Маълум бўлишича, ўз вақтида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий ҳимоячиси ҳисобланган Шавкат Муллажонов "Олмалиқ" билан шартнома имзолаган.

Ботир ХҲЖАЕВ

ЭҲТИЁТКОРЛИКНИ УНУТМАНГ!

Пойтахтимиз ҳудудида охириги вақтларда содир бўлган газ-ҳаво аралашмасининг чақнашлари ҳамда газдан захарланиш ҳолатлари, афсуски, қайд этилмоқда. Ушбу ҳолатлар оқибатида кўплаб фуқаролар нафақат куйиш тан жароҳати олишмоқда, балки ўлим ҳолатларига ҳам дуч келмоқда.

Содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш бўйича ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда маҳалла, мактаб, лицей, коллеж, олийгоҳ ётоқхонаси ҳамда санаят корхоналарида кенг қамровли таърибот таъшиқот ишларини олиб бормоқдалар. Лекин шунга қарамадан, айрим хонадон эгаларининг бепарволиги оқибатида ис газидан захарланиш ҳолатлари кузатилаётган. Ис газини ҳаётга унута қўлиш ва қон босимининг ошиши кузатилади.

Мурод ЮЛДАШЕВ, 20-ХЕХК инспектори, сержант

Халқимизда ўт балоси, сув балосидан асрагин деган ҳикмат бор. Табиий офатлар орасида улардан кўриладиган фожиялар оқибатлари ниҳоятда оғир кечади. Ачинарлиси шундаки, ўт балосига кўп ҳолларда фуқароларнинг ўзлари сабабчи бўлишади.

Ёнғинни "тилсиз ёв" деб беҳудага таърифлашмаган, чунки у фақуллода одам ҳаёти, мол-мулкига таъвоуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир. Лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида рўй берган кўнгилсиз воқеаларнинг гувоҳи бўлишимизга тўғри келяпти. Таҳлилларга кўра, бу бахтсиз ҳодисаларга оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, носоз кўлбола электр мосламаларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов билан ўйнаши, носоз газ мосламаларини ишлатиш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари асосий сабаб бўляпти.

Баҳром МАДУМАРОВ, 23-ХЕХК смена бошлиғи, капитан

Халқимизда оғоҳлик, ҳушёрлик хавфсизликка кафолат, деб бежиз айтилмайди. Эҳтиётсизлик, эътиборсизлик кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Оддий бепарволик ва лоқайдлик сабабли келиб чиққан ҳар бир ёнғин инсонларнинг ҳаётига, уларнинг яқинларига хавф-хатар солиши ва кўп машаққатлар эвазига бунёд этилган уй-жойни, йиллаб йиғиб тўплаган молу мулкнинг бир зумда ёниб кетишига олиб келади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун доимо турар жой, бинолар атрофларини ўз вақтида тозаланган ва озода тутиш. Машиини чиқиндиларни махсус ажратилган жойга ташланган. Газ ва электр ускуналарини қоидаларга риоя қилган ҳолатда ишлатиш. Фарзандларингизни ёлғиз, назоратсиз қолдирманг! Уйингиздан чиқиб келганда, газ, электр ускуналарини текширинг ва ўчиришни унутманг!

Латифжон ҲАСАНОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ҲХБ 20-ХЕХК бошлиғи ўринбосари, капитан

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан туман Ноғиронлар жамияти тарбияланувчилари учун "Камолот" Сиз билан бирга" тадбири ташкил этилди.

БОЛАЛАР КУЛГУСИ ОЛАМНИ ТУТСИН

Тадбир давомида болажонлар билан гуруҳларга бўлинган ва яқна тартибда интерфаол ўйинлар, викторина савол-жавоблари ташкил этилиб, ғолиб бўлган жамоаларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбирда Қорқобо ва Қорқиз эртак ва мультфильм қаҳрамонлари билан таширф буюриб, қизикари ўйинлар ўйналди. Болажонларнинг иқтидорларини синовдан ўтказиш борасида ташкил этилган қизикари баҳс ва мунозаралар, топшиқмоқ топши, тез айтиш, ўзбек халқ макорллари давом эттириш каби ўйинлари болажонларда катта таассурот қолдирди.

Барчамизга маълумки болажонлар янги йил байрамини алоҳида тайёргарлик кўриб, интизорлик билан кутади, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зайвуддинов. — 2003 йилдан буён "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан ўқувчи-ёшларнинг киши таътиллари мазмуни ўтказиш, имконияти чекланган оила фарзандларини байрам муносабати билан таъриблиқ мақсадида "Камолот" дан янги йил! лойиҳаси доирасида бири-бирдан қизикорли ва ранг-баранг бўлган тадбирлар ўтказилди.

Тадбир давомида "Камалак" оқулдзлари болалар ижодиёти фестивали ғолиблари, эстрада хонандалари иштирокида байрамона концерт намойиш этилди.

Қизикари тарзда ўтган тадбир якунида Чилонзор туман Ноғиронлар жамияти раиси Гулноза Донийрова ҳамда болажонларнинг ота-оналари сузга чиқиб, ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан тайёрланган совғалар тўхфа этилди.

ФАРЗАНД КЕЛАЖАГИДА МУҲИМ ЖИҲАТ

Китобга меҳр қўйган оилада вояга етган ўғил-қизларнинг дунёқароши кенг, маънавияти юксак бўлиши шубҳасиз. Ота-онанинг фарзандини китоб билан ошно қилиб тарбиялаши бугунги куннинг долзарб вазифаси деб айтиш мумкин.

"Камолот" ЕИХ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан "Университет" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ташкил этилган "Китобхон оила" кўрик-танлови айнан шу мақсадда ўтказилди. Талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилалар ўртасида китобхонлик, мутолаани тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган танлов кўригини қайфиятда ўтганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Китобхон оила — бу икки сўзининг нақадар юксак мазмунга эгалиги шубҳасиз. Мазкур кўрик-танлов унда иштирок этган барча оилаларнинг ўзаро дўстлашишига хизмат қилди, — дейди "Камолот" ЕИХ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раис ўринбосари З.Сабдуллаев. — Шунингдек, оилалар ўртасидаги ҳуқуқий саводхонликни оширишга яқиндан қўмақ беради деган умиддамиз. Унда маҳалланинг энг намунали, китобга меҳр қўйган 5 нафар оиласи ўзаро беллашди.

Савол-жавоб тарзида ўтган танлов натижаларига кўра Полвонийев Раҳимовлар оиласи ғолиб деб топилди. Ғолиб жамоа дипломи, "Камолот кутубхонаси"нинг китоблари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Фаол иштирок этган оилаларга ҳам китоблар совға қилинди.

Зарина РУСТАМОВА

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Эълолар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Ғ - 135

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 12120 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.20